

## **“АВЕСТА”ДА КАРАПАНЛАРНИНГ ТАЛҚИНИ**

*Абдуллоев Шухратжон Бобоисмоилович*

*abdulloyevshuxrat@gmail.com*

*Термиз давлат университети*

### **АННОТАЦИЯ**

“Авеста”нинг илмий тадқиқига оид амалий ҳаракатлар тўрт асрлик тарихга эга, бироқ манбадаги коҳинлар, диний маросимлар, ижтимоий институтлар ҳолатига оид маълумотларнинг таҳлиliga оид мулоҳазаларнинг фанда вужудга келганига кўп бўлмади. Шунингдек, “Авеста”даги зардуштийликка хос бўлмаган культ ва коҳинлар хусусиятлари алоҳида ўрганилмасдан, матннинг таркибий қисми сифатида таҳлил этиши билан чекланган. “Авеста”да нафақат зардуштийлик, шунингдек, аввалги эътиқод, унинг таълимоти, илоҳлари ва коҳинлари ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтилган. Зардуштийлик дини қоралаган ўзидан аввалги эътиқодни даэваясна деб атайди. Даэваясна таълимотининг тарғиб этилишида кави, карапан, усиж, ятукарларнинг муҳим рол ўйнагани таъкидланади. Ушбу мақолада карапан атамаси, унинг этимологияси, вазифаси, ижтимоий ўрни каби масалалар муҳокама этилади.

**Калит сўзлар:** *Авеста, даэва (дев), кави, карапан, усиж, ятукар, қурбонлик.*

### **ИНТЕРПРЕТАЦИЯ КАРАПААНОВ В АВЕСТЕ**

*Абдуллоев Шухратжон Бобоисмоилович*

*abdulloyevshuxrat@gmail.com*

*Термезский Государственный Университет*

### **АННОТАЦИЯ**

Практическая работа по научному изучению Авеста имеет четырехвековую историю, но анализ сведений о статусе священников, религиозных обрядах, социальных институтах в источнике не имеет долгой истории. Также характеристики культов и жрецов, не относящиеся к зороастризму в Авесте, ограничиваются анализом как составная часть текста без отдельного исследования. Авеста содержит информацию не только о зороастризме, но и о предыдущей вере, ее учениях, богах и священниках. Зороастризм осуждает предшествовавшую ему религию как даэваясна. Подчеркивается, что кави, карапан, усидж, ятукары играли важную роль в распространении учения Даэваясны. В этой статье

обсуждаются такие вопросы, как термин карпан, его этимология, функция и социальная роль.

**Ключевые слова:** Авеста, даева (дев), кави, карпан, усидж, ятукар, жертвоприношение.

## INTERPRETATION OF CARAPANS IN AVESTA

*Abdulloyev Shukhratjon Boboismoilovich*

*abdulloyevshuxrat@gmail.com*

*Termez State University*

### ABSTRACT

*Practical work on the scientific study of the Avesta has a four-century history, but the analysis of information about the status of priests, religious rituals, social institutions in the source does not have a long history. Also, the characteristics of cults and priests that are not related to Zoroastrianism in the Avesta are limited to analysis as an integral part of the text without a separate study. The Avesta contains information not only about Zoroastrianism, but also about the previous faith, its teachings, gods and priests. Zoroastrianism denounces the preceding religion as daevayasna. It is emphasized that kawi, karapan, usij, yatukars played an important role in the spread of Daevayasna's teachings. This article discusses issues such as the term carapan, its etymology, function, and social role.*

**Key words:** *Avesta, daeva (dev), kawi, karapan, usij, yatukar, sacrifice.*

Заратуштра ислоҳотининг диққат марказида бўлган асосий масала, даэва коҳинларининг қурбонлик мавжудотига нисбатан зўравонлиги ва шафқатсиз ҳаракатлари ётарди. Бу айниқса, “Сигир ноласи” деб аталувчи Ҳ.29, шунингдек, Ҳт. 14.54-56 даги *Vyāmburadaēvas* қурбонлиги, *daēvayāz* – “Даеваларга қурбонлик” деб аталувчи маросимларда очик кўрсатиб ўтилган. Шунинг таъкидлаш керакки, илк зардуштийлик (Гат) даврида худо билан алоқа учун қурбонликка эҳтиёж бўлмаган, аммо Яшт китобига келиб, қурбонлик яна диний таълимотдан ўрин эгаллаган. Заратуштранинг эски таълимотни рад этишига сабаб бўлган асосий омиллардан бири эски таълимотнинг қурбонлик маросимларидаги ғайритабиийлик ва жамият талабларига мос келмаслиги билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан у бу маросимларни бошқарувчиларни даэвага қурбонлик қилувчилар деб ҳисоблаган.

Гатларда ғайризардуштий культларнинг тарафдорлари ҳақидаги маълумотларда даэваясна коҳинлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Унда даэваясна коҳинлари учун алоҳида атамалар қўлланилган. Улар уч хил, *кава*

(kava), *карапан* ёки *карана* (karapā) ва *усиж* (usixš) номлари билан алоҳида гуруҳларга ажратилади. XX асрнинг бошларидаёқ, бу атамалар Авестадан олдинги, ҳиндизероний даври коҳинлари эканлиги, фақат Авестада улар камситувчи маънога эга бўлишгани ҳақидаги маълумотлар тадқиқ этилди [25, 20-б.].

Гатларда энг кўп ишлатиладиган атамалардан бири *карапан*нинг Заратуштра фаолият юритган жамиятнинг бир қисми бўлгани унинг Гатларида акс этган, аммо улар "золимлар, кавилар ва карапанлар" шаклида мифологик образга айланган; паҳлавий адабиётида эса фақат Заратуштра билан боғлиқ афсоналарда кўзга ташланади.

Гатларда карапан икки ўзакка эга атама сифатида қаралади. Гатларда карапа, Авестанинг қолган қисмларида эса карафнам шаклида тилга олинади. Карапаннинг қадимги ҳинд тилидаги *кална* (*kālpa*)- “маросим” сўзи билан боғлиқлиги, бу тоифани маросимларни ўтказувчи сифатидаги талқини аксарият тадқиқотчилар томонидан эътироф этилади [2, 455-б.; 10, 569-б.; 12, 370-б.; 3, 341-б.]. Бироқ, *mqθrān*- атамасининг паралели сифатида кўпликда *\*kar<sup>a</sup>pānō* шаклида шаклланиши мумкин бўлса-да, қадимги ҳинд тилидаги  $\sqrt{kalp}$  - феъли ёки унинг шаклланишининг эроний тилларда мавжудлиги эҳтимоли жуда кам [6, 324, 409-б.]. В.И.Абаев томонидан карапанларнинг Авестадаги *храфстра* (*xrafstra* – “ёввойи ҳайвон”, “йиртқич”) сўзи билан ўзаро алоқасига оид [21, 23-26-б.] қарашлари кейинги тадқиқотларда ўз исботини топмади. В.Б.Ҳеннинг *карб*- сўзи "нола, ғўлдираш, минғирлаш" маъносини беришига оид таклифи кўпчилик томонидан қабул қилинган [4, 45-б.]. Аммо бу атама В.Б.Ҳеннинг тахмин қилинганидек, дастлаб “минғирлаш” деган камситувчи маънони эмас, балки, М. Шварц таъкидлаганидек, *карана* сўзи “фарёд”, “муножот”, “илтижо” маъноларини англатувчи “Авеста”даги *карп* (*karp*) - феълидан келиб чиқиб [5], унинг илдизи санскрит тилидаги *kṛp*- (“нола”, “қайғу”, “азадорлик”, “афсусланиш”, “улуғворлик”, “ёрқинлик” [26]) сўзининг маънодоши сифатида ҳиндиевропа тилидаги “оҳ”, “нола”, “фарёд”, “қичқирик” маъноларини ифодаловчи *кау* (*kāu*), *кеу* (*kēu*), *ку* (*kū*) сўзидан келиб чиққан [17, 535-536-б.]. Атаманинг этимологияси ҳақидаги фикрлар деяли бир-бирига яқиндир [10, 569-б.; 12, 370-б.; 4, 241-б.]. М. Шварцга кўра "илтижо қилувчи, мадҳиячи" маъносидаги *karp*- (қадимги ҳинд тилидаи  $\sqrt{krap}$ - / *kṛp*- “дуо қилмоқ, илтижо қилмоқ; йиғламоқ” сўзидан келиб чиққан бу атама, руҳоний амалдорга ишора қилади [2, 455-б.; 10, 569-б.; 12, 370-б.; 3, 341-б.]. Шу билан бирга, В.Б.Ҳеннингнинг “минғирлаш” маъносидаги талқинини асосиз деб бўлмайди,

чунки карапан ўз вазифаларини бажараётганда паст оҳангда куйлаган Ведик *адҳваряга* монанд коҳинга ўхшайди [9, 253-б.; 10, 569-б.; 12, 370-б.; 3, 341-б.]. Гарчи бу фақатгина тахминга асосланган бўлса-да, Денкардда *dandīd Brātrōrēš ī karb* “Братореш карб минғирлади” (Denkard, IX.3.20) жумласини учратишимиз мумкин [15, 618-б.]. Атаманинг ўзаги “хафа бўлмоқ, қайғурмоқ, илтижо қилмоқ, ялинмоқ” [2, 455-б.; 10, 569-б.; 12, 370-б.; 3, 341-б.], “шарилламоқ, шиғиллаш, тақиллатиш, такрорлаш” [10, 567-б.], “ғўнғирлаш” [29, 382-б.; 10, 569-б.; 3, 241-б.] маъносини англатиши ҳақидаги талқинлар ҳам мавжуд. А.С.Миксюкка кўра, карапан “жодугар” ёки “мадад сўровчи” деб тушуниш мумкин [29, 158-170-б.]. Бизнингча жодугар деб тушуниш унчалик ҳам тўғри эмас, чунки “Авеста”да бу вазифани бажарувчилар учун “ятукар” атамаси қўлланилган. Шу нуқтаи назардан ўзбек авестошуноси М.Исҳоқов карапанларнинг жодугарлар билан бир қаторда қораланишини рад этмаса-да (Ҳт. I. 6, 10; V. 22, 46, 50; VIII. 12, 44; X. 26, 34, XIV. 4, 34, 35, 62; XIX. 26, 28, 31) [24], уларни жодугар, сеҳргар, афсунгарлардан ажралиб турувчи алоҳида гуруҳ сифатида “Мазда дини душманлари” деб изоҳлагани ҳақиқатга мос келади деб ҳисоблаймиз [24, 18-б.]. “Авеста”нинг ўзбек тилига таржима қилган А.Маҳкам ҳам карапанни шундай изоҳлаган [23, 603-б.]. Демак, карапанлар зардуштийликдан олдинги коҳинлар бўлиб, бу “маросимларни ғўлдираб ўқийдиган” деган маънони англатади ва бу уларнинг сеҳрли сўзлар, қўшиқлар ва мадҳияларни ўз ичига олган мураккаб диний матнларни куйлашларини англатади [7, 138-б.].

Карапанлар “Авеста” матнларида чорва ва чорвадорларнинг душмани сифатида лаънатланган [22, 66-б.]. Юқорида таъкидланганидек, Заратуштранинг қурбонлик маросимлари ислоҳотига оид қарашлари марказида сигир образига муносибат турган ва бунда карапанларнинг фаолияти қаттиқ танқидга учраган. Шунинг учун ҳам Ҳ. 44.20 да, Заратуштра даэвалар, уларга хизмат қилувчи карапанлар ва усижларнинг сигирга зулм қилишлари муҳокама этилган.

Ҳ. 32.12 да сигирга зулм қилувчи сифатида Греҳма деб аталадиган карапаннинг номи келтирилиб, у зулмни – Ангра Майнйуни танлагани айтилади [14, 85-106-б.]. Карапан Греҳма Заратуштранинг рақиби бўлган тарихий шахс бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Гатларда карапанлар *karafn* “сохта муаллим”, “сохта коҳин” [1, 454-455-б.], уларнинг ғояси эса *karapō.tāt* – “сохта таълимот” [1, 455-б.] эканлиги такрор-такрор эсланади. Жумладан, Ҳ. 51.14-да карапанлар аша (Ашах) – ҳақиқат, тартиб ва интизом оламига қарши

экалиги ва улар амал қиладиган таълимот *дурӯж куноми* – дўзахга олиб бориши таъкидланади.

Ҳ. 48.9-10 да эса карапанлар қасддан (одамларга) қаттиқ оғриқ келтирувчи эканлиги, сарҳуш этувчи ичимликлар ёрдамида одамлар ва ҳукмдорларни атайлаб чалғитишларидан арз қилинади. Матннинг давомида Ҳ. 48.11 да карапанлар қонхўрлар дейилади. Ушбу таърифлар нафақат карапанларнинг сохта таълимот вакили эканлигидан дарак беради, айти пайтда уларнинг маросимлардаги фаолиятига ишора қиладди. Яъни, карапанлар маросимларда сарҳуш қилувчи ичимликлардан, оғриқ билан боғлиқ амалиётдан фойдаланишган. Заратуштрага кўра, карапан ва кавилар жамиятда ҳуқуқий мавқеъга эга бўлсалар ҳам, ўз вазифаларини суистеъмол қилишган (Ҳ. 32.15).

Карапанларнинг дунёвий ҳокимият (*хшатра*) эгалари билан алоқаси “мустабид (золим, ёвуз)лар, кави ва карапанлар” (Ҳт. I. 10; Ҳт. V. 13, 22, 26, 46, 50; X. 34, XIV. 4, 62; XIX. 26, 28, 31.) [24] шаклида Яштларнинг одатий жумласига айланган, бу ерда диний вазифаларини суистеъмол қилганлардан фарқли ўлароқ, биринчи иккита атама ёмон бошқарувни амалга оширадиганлар учун ўзига хос маънодош сўз сифатида одатда бирга келган. Яштларга келиб карапанлар фақат, рақиб томонни англатадиган анъанавий атамага айланган.

Заратуштра ҳомийси Кави Виштаспа муштабид кавилар сирасига киритилмаган. Қадимги ҳинд тилидаги Кави атамасидан фарқли ўлароқ, Кави ҳукмдорлик унвони эди [2, 442-б.; 13, 479-б.]. Уларнинг карапанлар билан бир қаторда тилга олинишининг сабаби шундаки, уларнинг ҳар бири ўз дунёвий ва диний соҳаларида ҳокимиятга эга бўлган.

*Карапан* атамаси Гатларда ҳамда “Кичик Авеста”да учрагани сабабли Х.Бартоломэ манбанинг хронологиясини ҳисобга олиб, атаманинг икки хил: Гатларда душман руҳонийлари ва бегона дин тарғиботчилари, Кичик Авестада эса халқ ва дин душманлари каби маъноларни ифодалаганини таъкидлайди [1, 454-455-б.].

Паҳлавий адабиётларда эса, *карб* атамаси асосан Заратуштра ҳаётига оид воқеалар билан чекланганини кўрамиз, бу ерда улар ҳам алоҳида, ҳам жамоа шаклида ёш Заратуштрани ўлдиришга уринишда асосий ўрин тутлади. Паҳлавий Матнларда Дурасрав Карб, Тур-и Брадреш каби аниқ номи кўрсатилган карапанларни учратиш мумкин. Бундай номлар тарихий воқеликда қандайдир илдизга эга бўлиши мумкин, аммо буни тасдиқловчи асослар етарли эмас. Шунингдек, “Денкард” VII китобининг III боби [19, 35-50-б.; 8, 28-41-б.], “Затспарам”нинг IX-XII боблари [18, lxxxvi-хс-б.], “Занд-и Воҳуман”даги Ясна

III.3 да [20, 103-б.] ва “Пахлавий Ривоят” [16, 63-64, 192-б.] нинг XXXVI бобларида карапанлар ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

#### **REFERENCES**

1. Bartholomae Chr. *Altiranisches Wörterbuch*. Strassburg, 1904 (repr.: Berlin-New York, 1979). pp. 454-455.
2. Bartolomae Chr. *Altiranisches Wörterbuch*, 2nd ed., Berlin, 1961, col. 442.
3. Cheung J. *Etymological Dictionary of the Iranian Verb*. Leiden, Boston, 2007. p. 241.
4. Henning W. B. *Zoroaster, Politician or Witch-Doctor?* London, 1951, p. 45.
5. Malandra W. Karapan // *Encyclopaedia Iranica* [Electronic resource]. 2012. URL [http:// www.iranicaonline.org/articles/karapan](http://www.iranicaonline.org/articles/karapan). Date of access : 21.03.2013.
6. Mayrhofer M. *Etymologisches Wörterbuch des Altindoarischen*. Heidelberg. 2001. p. 409.
7. Micah Issitt, Carlyn Main. *Hidden Religion: The Greatest Mysteries and Symbols of the World’s Religious Beliefs*. California. ABC-CLIO. 2014. (533 p.) p. 138.
8. Molé M. *Le légende de Zoroastre*, Paris, 1967, pp. 28-41.
9. Prods Oktor Skjaervø. Smashing urine: on Yasna 48.10 // ed. Michael Stausberg. *Zoroastrian Rituals in Context* // *Numen Book Series*. London. BRILL, 2018. p. 253.
10. Pokorny J. *Indogermanisches etymologisches Wörterbuch*. Bern, 1959. p. 569.
11. Cheung J. *Etymological Dictionary of the Iranian Verb*. Leiden, Boston, 2007. p. 241.
12. Rix H. (ed.). *Lexikon der indogermanischen Verben, die Wurzeln und ihre Primarstambildungen* (2. Aufl.). Wiesbaden, 2001. p. 370.
13. Schwartz M. “Scatology and Eschatology in Zoroaster ...,” in *Papers in Honor of Professor Mary Boyce*, Leiden, 1985, p. 479.
14. Schwartz, Martin. The hymn to Haoma in Gathic transformation: Traces of Iranian poetry before Zarathushtra // Antonio Panaino (ed.), *The Scholarly contribution of Ilya Gershevitch to the development of Iranian Studies*, Milan: Mimesis.2006. pp. 85-106.
15. *The Complete text of the Pahlavi Dinkard*. ed. Madan D.M. Part II. Books VI-IX. Bombay. 1911. p. 618.2-3.
16. *The Pahlavi Rivāyat Accompanying the Dādestān ī Dēnīg*, Pt. II, tr. A. V. Williams, Copenhagen, 1990, pp. 63-64, 192.

17. Turner R. L. A comparative dictionary of the Indo-Aryan languages. London : Oxford University Press, 1962-1966. p. 535—536.
18. Vichitakiha-i Zatsparam, Pt. I, ed. and tr. B. T. Anklesaria, Bombay, 1964, pp. lxxxvi-xc.
19. West E. W., Pahlavi Texts, Part V, Sacred Books of the East XLVII, Oxford, 1897, pp. 35-50.; Molé M. Le légende de Zoroastre, Paris, 1967, pp. 28-41.
20. Zand-ī Vohūman Yasn, ed. and tr. B. T. Anklesaria, Bombay, 1957, p. 103.
21. Абаев В. И. Скифский быт и реформа Зороастра // Archiv orientální. 1956. № 24. С. 23-26.
22. Абдолниёзов Б., Исҳоқов М. Авеста ва чорвачилик. Тошкент. 2008. 66-б.
23. Авесто: тарихий-адабий ёдгорлик / Н.Жўраев; таржимон А.Маҳкам. – Тошкент: Ф.Фулум. 2015. 603-б.
24. Авесто: Яшт китоби. / М. Исҳоқов таржимаси. — Т.: «Шарк», 2001 — 128 б.
25. Гамкрелидзе Т. В., Иванов В. В. Индоевропейский язык и индоевропейцы. Реконструкция и историко-типологический анализ праязыка и протокультуры: в 2 т. Тбилиси : Изд-во Тбилисского ун-та, 1984. 2 т. с. 20.
26. Кочергина В. А. Санскритско-русский словарь / под ред. В.И. Кальянова; с приложением «Грамматического очерка санскрита» А. А. Зализняка. 2-е изд., испр. и доп. М. : Рус. яз., 1987.
27. Миксюк, А. С. Незороастрийские культы по данным Авесты // Працы гістарычнага факультэта БДУ : навуковы зборнік. Выпуск 10. - Мінск, 2015. - С.-158-170. <http://elib.bsu.by/handle/123456789/124998>
28. Уразова Раъно Ташпулатовна. Анализ уровней социальных отношений по религиозным источникам //Наука и просвещение: актуальные вопросы, достижения и инновации сборник статей IV Международной научно-практической конференции, Состоявшейся 17 ноября 2020г. в г. Пенза. с. 47-49.
29. Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. Т. II. Москва, 1986. с. 382.;